

«ИСЛОХОТЛАР ШТАБИ» УЧУН ТАЙЁР АНДОЗА

— Республикадаги барча туман ҳокимлари Шаҳрисабз, Яккабоғ ва Кўкдалани келиб кўрсин, ўргансин, — деди Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 19-20 июнь кунлари ҳудудлар ривожини, ислохотлар натижадорлиги билан яқиндан танишиш мақсадида Қашқадарё вилоятига қилган ташрифи давомида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самарасини ўрганди. Дарҳақиқат, кейинги 8 йилда вилоятнинг қиёфаси тубдан ўзгарди, аҳолининг турмуш тарзи яхшиланди. Бу Президентимизнинг қашқадарёликларга алоҳида эътибори самарасидир. Ташриф чоғида яқинда йўлга қўйилган лойиҳалар билан танишган давлатимиз раҳбари Қашқадарёни «Ислохотлар штаби» учун тайёр андоза» дея эътироф этишида ҳам етарли асослар бор.



I

Мамлакатимиз Президентининг вилоятга бу сафарги ташрифи «Air techno servis» корхонасидан бошланди. Расмий маълумотларга кўра, ушбу ишлаб чиқариш лойиҳасининг умумий қиймати 10 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Корхона хорижий «TCL», «HOFFMANN» брендлари учун буюртмалар тайёрлаб бермоқда. Шунингдек, бу ерда маҳаллий SMART бренди асос солинган бўлиб, 70 фоиз товарлар экспортга йўналтирилмоқда. Мазкур ишлаб чиқариш субъектига ташриф буюрган Президент Шавкат Мирзиёев айни соҳада тажриба орттирилганини ва ташқи бозорга йўл топилганини алоҳида таъкидлаб, корхонани кенгайтириш борасида кўрсатмалар берди.

Ташрифдан сўнг корхона масъуллари маҳаллийлаштиришга жиддий эътибор қаратиши, келгусида 20 миллион АҚШ доллари миқдорига яна 4 та лойиҳани амалга ошириб, чангюткич, электр чойнак, ҳаво совуткич, вентилятор ишлаб чиқаришни ўз олдларига вазифа қилиб қўйдилар. Натижада йилига 30 миллион АҚШ долларлик экспорт имконияти ва қўшимча иш ўринлари яратилади. Соҳага укуви бор ёшлар жалб этилиб, улар билим ва имкониятларини намоён этишлари учун майдон шаклланади. Биргина корхона ортидан 10 дан зиёд йўналишда ходимлар ишга қабул қилинади. Ушбу субъект яна юзлаб хонадонларнинг даромад манбаига айланади.

II

Тан олиб айтиш керак, қашқадарёликлар яқин ўн йиллар аввал ҳам сифатли тиббий хизматга эҳтиёж сезар, оддий касалликларни аниқлаш, даволаш учун ортқиқа вақт ва пул сарфлаб Тошкент ҳамда Самарқанд шаҳарларига боришга мажбур бўлишарди. Шаҳрисабз шаҳрида хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда «Оқсарой» кўп тармоқли кардиология маркази ўз фаолиятини бошлагани воҳа аҳолининг орзуларини ижобат бўлгани мисолидир. Марказдаги шарт-шароитлар билан танишар экан, Президентимиз худди шундай клиникаларни мамлакатимизнинг ўн тўртта худ-

дида ҳам ташкил этиш лозимлигини таъкидлади.

Мазкур кардиология марказининг афзаллиги шундаки, маҳаллий аҳоли энди 120-140 километр йўл босиб, Қарши шаҳрига ёки Тошкенту Самарқандга бормайди. Қолаверса, ушбу марказ Шаҳрисабз шаҳрига ёндош Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ ва Чироқчи туманларидаги аҳоли учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

— Бу чинакам тарихий воқеа бўлди, деса-ман, янглишмайман, — дейди шаҳрисабзлик меҳнат фахрийси Баҳодир Саидов. — Клиника билан танишиш жараёнида Президентимиз талаба ва шифокорларнинг малакасини ошириш, хорижлик мутахассислар билан ҳамкорликни кенгайтириш бўйича масъулларга топшириқлар берди. Шунингдек, мамлакатимиз тиббиётидаги камчиликларни бирма-бир санаб, уларни бартараф этиш юзасидан зарурий ечимларни кўрсатиб ўтди. Бу мамлакатимизда инсон қадрини улуғланганидан, ҳеч ким ва ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолмаётганидан дарак беради.

III

Яккабоғ тумани маркази яқин-яқингача қишлоқдан сал фарқ қилар, аҳоли асосан бозор-ўчар учун келиб кетадиган жой эди. Кейинги йилларда туман инфратузилмаси буткул ўзгарди. Яккабоғ том маънода янгибоғга айланди. Энг муҳими, бу ислохотларнинг барчаси халқнинг кўз ўнгида содир бўлди. Шиддат билан олиб борилган қурилиш-бунёдкорлик ишлари натижасида туман марказида барпо этилган «Янги Ўзбекистон» массиви яккабоғликларнинг истироҳат марказига айланди. Бу ерда барпо этилган 600 дан зиёд растаси бор «Экобозор», болалар учун замонавий ўйингоҳлар, автотураргоҳлар, тунги ёритиш чироқлари, фавворалар ва улар атрофида ўрнатилган ўриндиқлар, экоўлақлар бугун тумanning маданий, маърифий ва бунёдкорлик қиёфасини намоён этмоқда. Қолаверса, массивда 54 та кўпқаватли бино барпо этилиб, 1400 та оила уйли бўлишига эришилди. Замонавий мактаб ва мактабгача таълим ташкилоти бунёд этилди.

Давлатимиз раҳбари массивга ташриф буюриб, экобозорда яратилган шароитларни кўздан кечирди, сотувчи ва харидор-

лар билан мулоқот қилди. «Тўғриси, бу менга жуда маъқул бўлди. Мана, туман маркази қандай бўлиши керак! Бундай лойиҳаларни ҳар бир туман, ҳар бир маҳаллада қилса, ўша ҳудудга маданият кирди, ислохотларимиз жойларгача етиб борганининг яққол натижаси бўлади», — деди Президентимиз.

— Олдинлари болалар хархаша қилса, қаерга олиб боришни билмасдик, туманимизда кўнгиладигдек истироҳат боғи ҳам йўқ эди, — дейди Ситора Шамсиева. — Бир ярим йил ичида барпо этилган ушбу массивда ҳамма нарса муҳайё. Олдинлари йилда бир-икки Шаҳрисабз шаҳридаги «Оқсарой» мажмуасига борардик. Бугун бизнинг аттракционларга Шаҳрисабз, Чироқчи, ҳатто Китоб туманларидан ҳам одамлар болаларини олиб келиб, айлантириб кетишмоқда. Ростки, бу жойлар бир самарасиз боғ эди, ўрнига шундай замонавий шаҳарча барпо бўлишига биз бошида ишонмагандик...

IV

Шаҳрисабз тумани ҳақида гап кетганда унинг тарихий манзиллиги, хушманзара табиати, уддабурон одамлари ва албатта, Мираки тилга олинади. Бироқ, Миракида сайёҳлар учун яратилган қўлайликлар ҳаминқадар эди. Бир-иккита тадбиркор яратган замонавий шарт-шароитли кўноқ жойларини айтмаса, маҳаллий аҳоли вакиллари хонадонига туташ дарё бўйи ерларида ўрнатган чорпоё ёки тупрок уюмидан ҳосил қилинган мўъжаз сўрилар меҳмонларга таклиф этиларди. Шунда ҳам талаб катта, сайёҳлар оқими кўп эди мавсумда. Фақат ҳудудда бу тармоқни ривожлантиришга замонавий ёндашув билан инфратузилма яратиш кутилаётганди.

Нихоят, шу кунлар келди. Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожини, аҳоли турмуши билан танишиш мақсадида 2023 йил 24-25 октябрь кунлари Қашқадарё вилоятида бўлганида, Шаҳрисабз, Китоб ва Қамати туманларида туризмин ривожлантириш лойиҳалари тақдимот қилинди. Кўп ўтмай, аниқроғи, 2023 йил 28 ноябрда Президентнинг «Қашқадарё вилоятининг тоғли-рекреацион ҳудудларида замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғриси-

да»ги қарор имзоланиши билан Миракида ҳам туризмин ривожлантириш йўналишидаги ишлар жадал тус олди.

— Белгиланган майдонларда мастер-режага асосан қиймати 400 миллион долларлик 117 та лойиҳа — меҳмонхона, меҳмон уйлари ва аҳоли дам олиш масканлари қурилиши амалга ошириляпти, — дейди Қашқадарё вилоятида туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқариш департаменти раҳбари ўринбосари Отабек Олимжонов. — 1100 ўринли иккита меҳмонхона, учта хостел, шунча ресторан ва савдо-кўнгилочар комплекси, 2 километрик дор йўли шулар жумласидан. Биргина ушбу мажмуа йилига 300 мингдан ортқ меҳмонга хизмат кўрсатиш салоҳиятига эга. Қолаверса, 10 километрик экоўйлаш барпо этилди. Яна кўплаб нуқталарда тегишли лойиҳалар доирасидаги ишлар давом этмоқда.

— Шаҳрисабзнинг устун тарафи — йил давомида саёҳатга келиш мумкин. Бунинг учун йўл, коммуникация, меҳмонхоналар қураямиз. Энди хизмат турларини кўпайтиришни уйлаш керак. Масалан, Миракига келган меҳмон вақтини қандай ўтказди, нималар харид қилди? Шу талаблардан келиб чиқиб, хизматлар таклиф қилиш, бу ернинг табиати ва шароитини чет элларда кенг тарғиб этиш керак, — дея ўз таклифларини билдириб ўтди Президентимиз.

Дарҳақиқат, Миракида олиб борилаётган қурилиш, бунёдкорлик ишлари ҳажми жуда йирик. У автомобиль йўллари, ичимлик ва оқова сув, электр, алоқа, интернет тармоқларини қуриш ва таъмирлаш ишларигача қамраб олган.

Шунингдек, Президентимиз Миракида жойлашган ушбу ҳудудда лалми қирликларда ташкил этилган 520 гектарлик агротуризм мажмуаси билан танишди.

— Анча йиллар олдин бу жойларга тоқзор барпо этишга уриниб қурилган эди, — дейди шу ерлик Илбас Каттаев. — Ўша вақтларда мен қишлоқ хўжалиғи соҳасида ишлар эдим. Турли ток навларини экканмиз. Аммо, минг уринмайлик, уддасидан чиқа олмаганмиз. Сабаби, замонавий ёндашув етишмаган. Малака камлик қилган. Ҳукумат даражасида эътибор қаратилмаган. Бугун бу боғзорни, агротуризм мажмуасини қўриб, ҳайратини яширолмайман. Бу узумчилик ва мевачилик соҳасида янги давр бошланаётганини аниқлади. Бозорларимиз тўкин бўлишини,

фуқаролар бандлиги таъминланишини билдиради. Президентимиз ҳам бу ерга ташриф буюрганида «Чўл-адирларни ўзлаштиришимизга шубҳа қилганлар шу боғни келиб кўрсин», дея таъкидлаб ўтди. Бу фикрлари ўша ерда меҳнат қилаётганлар учун янги куч-ғайрат бағишлаши, шубҳасиз.

Ҳудудда, шунингдек, 120 ўринли ресторан ва 100 ўринли меҳмонхона қурилган. Агрологистика ва ўқув маркази, қайта ишлаш, сақлаш қувватлари барпо этилмоқда.

V

Мамлакатимиз Президенти ташрифнинг иккинчи кунига Кўкдала туманида бўлди. У ердаги кенг кўламли қурилиш-бунёдкорлик, яратилаётган инфратузилма ишлари билан яқиндан танишди.

Кўкдала туманида давлатимиз раҳбари видеоселектор шаклида Қашқадарё вилоятини комплекс ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда вилоятда амалга оширилган ишларни алоҳида таъкидлаб ўтган Президентимиз ерлардан унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиғига замонавий технологияларни жорий этиш, саноат ва ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, туризм имкониятларини янада кенгайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш салмоғини ошириш ва экспортни ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш борасидаги кейинги режалар ҳақида сўз юритди.

Дарҳақиқат, узоқ вақт бармоқ билан санарли тармоқларга ихтисослашиб келган Қашқадарё кенг кўламли ислохотларга муҳтож ҳудуд эди. Бугун эса воҳа йилдан-йилга янги қиёфа касб этиб бормоқда. Энг муҳими, бу сайёҳаракатлар нафақат худудни обод қилиш, замонавий инфратузилма яратиш, балки одамларнинг бугундан рози, эртасидан кўнгли тўқ бўлишини, юксалиш ва тараққиёт билан бирга одимлашини таъминлаш билан уйғунлашиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи давомида қашқадарёликлар буни янада тейроқроқ англадилар.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

МУВАФФАҚИЯТ

ЯШИЛЛИККА БУРКANAЁТГАН ВОҲА

«Яшил макон» мамлакатимиздаги экологик вазиятни яхшилаш, табиий ресурсларни сақлаш ва боғларни кўпайтиришга йўналтирилган истиқболли лойиҳадир. Ушбу ҳаракат юртимиз бўйлаб тоза экологик муҳит яратиш пойдеворига айланди. Масалан, белгиланган режага мувофиқ, йилига 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш орқали яшиллик даражасини 8 фоиздан 30 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

– Лойиҳа доирасида воҳа-мизда қатор ишлар амалга оширилмоқда, – дейди Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши раиси Абдукарим АҲМЕДОВ. – Мевали, манзарали кўчатлар етиштириш, ўрмонларни кенгайтириш шулар жумласидандир. Бу ишларга аҳолини кенг жалб қилиш мақсадида турли тадбирлар уюштириб келямиз. «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида 2024 йилда вилоятда 17 миллион 298 минг туп дарахт ва бута кўчатлари экилиб, режа орқали билан бажарилди. Бу йил ҳисобидан 10,4 миллион туп кўчат ўтказилди. Кузги мавсумда 3 минг туп манзарали ва мевали дарахт экишни режалаштирганмиз.

– Буғунги кунда воҳа-мизда 83 гектар майдонда 25 та «Яшил жамоат парки» бунёд этилди, – дейди Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси бошлиғи ўринбосари Қахрамон БУРИЕВ. – Дарахтларни парваришлаш жараёнида замонавий агротехникалардан фойдаланилмоқда.

Шунингдек, 36,6 гектар майдонда 15 та «Ҳокимлик боғи» яратилди.

«Яшил макон» умуммиллий ҳаракатини амалиётга татбиқ этишда ўрмон хўжалиқларининг роли катта.

– Ҳар бир ишга илмий ва амалий жиҳатдан ёндашилса, соҳада ижобий ўзгариш бўлади, – дейди Сурхондарё вилояти ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиғи Санжар БУРОНОВ. – Айни вақтда вилоятда 4 та кўчат етиштириш зонаси бор. Уларда кургоқчиликка чидамли дарахт навлари етиштирилмоқда. Бу йил ҳисобидан 9,8 миллион туп ниҳол ўстириш режамизда бор.

Воҳа республикамизнинг энг иссиқ ҳудуди ҳисобланади. Шу билан бирга, бу ерда тез-тез кучли шамол эсади. «Яшил макон» лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар бу табиий ҳодиса туфайли рўй берадиган чанг-тўзонларнинг олдини олишга ҳам муносиб ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Кўчатлар экиш жараёнида автомобиль ва темир йўл ёқаларида ихотазорлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, М-39 халқаро

автомобиль йўлининг 61 километрида 300 минг тупга яқин кўчат экилди. Уларнинг униш даражасини ошириш учун 32 та ҳовуз барпо этилиб, ёмғирлатиб суғориш тизими йўлга қўйилди. Худуддаги чикинди полигонлари атрофига 30,8 минг туп ҳамда атроф-муҳитга таъсир этиш хавфи юқори бўлган саноат корхоналари томонидан 650 минг туп манзарали кўчатлар экилиб, «Яшил белбоғ»лар барпо этилди. Вилоят худудидан ўтувчи умумфойдаланув йўллари ёқасидаги 212 километрлик масофадаги майдонлар қасаначилик асосида аҳолига бириктирилди. Натижада 320 нафар кишининг бандлиги таъминланди. Айни чоғда аҳоли ўзига бириктириб берилган худудларда 124,5 минг туп манзарали ва мевали дарахт кўчатларини парваришламоқда.

Бундан ташқари, воҳада давлат ўрмон хўжалиги фондига кирмайдиган ерлардаги 526 минг туп дарахт хатловдан утказилиб, электрон базага киритилди. Шунингдек, 100 ёшдан ошган 142 туп дарахтга «Табиат ёдгорлиги» мақоми берилди.

Мухтасар айтганда, бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоқ ёзган умуммиллий лойиҳа доирасида вилоятда салмоқли ишлар бажарилмоқда. Шубҳасиз, вақт-соати келиб, улар ўз натижасини беради.

Чори ЖУМАҚУЛОВ
«ISHONCH»



СЕМИНАР

лар. Бу эса зарур билим ва кўникмаларга эга бўлмаган ишчиларнинг жароҳатланишига, ҳатто Улим ҳолатларига олиб келмоқда. Дунёда аллақачон ишчилар хавфсизлигини таъминлашда замонавий технологияларга асосланган янги ёндашувлар қўлланилган. Жумладан, интернет технологиялари, масофавий мониторинг тизимлари, сенсорлар ва сунъий интеллект ёрдамида хавфли вазиятларни олдиндан аниқлаш ва тезкор жавоб чораларини кўриш имкониятлари ошмоқда. Бугунги семинарда шулар тўғрисида маълумот бердик.

Семинар давомида бино ташқарисида ташкил этилган турли меҳнат муҳофазаси кўргазмаси йиғилганлар эътиборини торди. Семинар иштирокчилари ўзаро тажриба алмашдилар.

Шокир ҲАЗРАТКУЛОВ,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори

ҲАР ИШДА ТАЖРИБА КЕРАК

«Янги Ангрэн ИЭС» АЖда «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, инновацион технологиялар орқали меҳнатни муҳофаза қилиш шароитларини яхшилаш» мавзусида ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари қасаба уюшмаси республика кенгаши, Тошкент вилояти камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси, «Ўзгазросурта» АЖ Тошкент вилояти бошқармаси вакиллари, жумладан, «Турақўрғон ИЭС», «Фарғона ИЭМ», «Муборак ИЭМ» филиаллари ва «Талимаржон» АЖ ходимлари, бир неча ишлаб чиқариш корхоналарининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси ходимлари иштирок этди.

– Ходимларда меҳнат амалиётининг етишмаслиги бахтсиз ҳодисаларга олиб келаётган асосий сабаблардан биридир, – дейди Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош-

қармаси меҳнат инспекцияси давлат меҳнат техник инспектори Ориф Бегимов. – Ҳозир

аксарият иш берувчилар қурилиш соҳасида амалиёт ўтама-тори Ориф Бегимов. – Ҳозир



ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ



САЛМОҚЛИ РАҚАМЛАР, СЕЗИЛАРЛИ НАТИЖАЛАР

Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Хоразм вилояти бўлимининг ҳисобот-сайлов конференциясида сўнги беш йилда амалга оширилган кенг қўламли ишлар таҳлил қилинди. Конференцияни тармоқ қасаба уюшмаси раиси Фарҳод Ханапиев олиб борди.

Вилоят ташкилоти раҳбари Равшан Шенязовнинг ҳисоботида қасаба уюшмаси аъзолари афзаллиқларини асослаш, янги аъзоларни жалб қилиш ва улар орасида таъсирни кенгайтиришга эътибор қаратилгани таъкидланди. Натижада 2025 йил бошига келиб аъзолари сони 2021 йилдаги 33 325 нафардан 43 012 нафарга етди. Бу ўсиш қасаба уюшмасига ишонч ортаётганини ва жойлардаги унинг таъсири мустаҳкамланаётганини кўрсатади.

Аъзоларни қўллаб-қувватлашда Жамоа шартномалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Биргина 2024 йилда ушбу ҳужжат орқали иш берувчи томонидан умум-

халқ ва касб байрамлари муносабати билан 16140 нафар ходимга 12 миллион 61 миллион 188 минг сўм, Меҳнат кодексига белгиланган асосий йиллик ва асосий узайтирилган таътил кунларидан ташқари қўшимча таътиллари учун 24637 нафар ходимга 73 миллион 904 миллион 370 минг сўм, ижтимоий таътиллари учун 486 нафар ходимга 664 млн 698 минг сўм тўланган. Рақамлардан англашиладики, Жамоа шартномалари орқали меҳнат ҳуқуқларини кафолатлаш, молиявий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя механизмлари самардорлиги ортмоқда. Умуман, жамоа шартномалари орқали вилоят бўйича бир ходимга йил давомида сарфланган маблағ миқдори 2021 йилда 6 миллион 612 минг сўмни, 2024 йилга келиб 9 миллион 208 минг сўмни ташкил қилди.

Соғлиқни сақлаш муассасаларидаги меҳнат шароитларини яхшилаш мақсадида 2 730 та тадбир амалга оширилиб, улар учун 200 миллион сўмга яқин маблағ сарфланган. Ҳар бир ходим учун меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағ 2021 йилдаги 1 млн. сўмдан 2024 йилда 2,2 млн. сўмгача ошган. Бу ҳаракатлар ходимлар хавфсизлигига муносабат ўзгарганидан, касаллик ва иш жойидаги шикастланишларнинг олдини олишга жиддий ечимлар қидирлаётганидан далолат беради.

Меҳнат инспекторлари томонидан тизимдаги 56 та муассаса ва ташкилотда жамоатчилик назорати тадбирлари ўтказилган. Ўрганишлар асосида иш бе-

рувчиларга киритилган кўрсатмалар орқали 826 нафар ходимнинг ҳуқуқлари тикланиб, уларнинг фойдасига 720 430 071 сўм маблағ ундириб берилган.

Бундан ташқари, вилоят кенгашига келиб тушган 239 та ёзма мурожаат асосида иш берувчиларга 79 та ёзма кўрсатма ва судларга 65 та даъво аризаси киритилди. Пировардида 709 нафар ходимнинг ҳуқуқи тикланди. Мазкур жараёнда 1,8 миллиард сўмдан ортиқ маблағ уларнинг фойдасига ундирилди.

Ҳисобот даврида 6171 та иш ўрни аттестациядан ўтказилган. 47715 нафар соғлиқ учун хавфли ва меҳнат шароитлари оғир бўлган касб ва лавозимда ишлаётган ходимга жами 75 миллион 52 миллион сўм устамалар тўланган. Бундан меҳнат хавфсизлигини таъминлашга ва махсус шароитда ишловчи ходимларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантиришга жиддий эътибор қаратилганини англаш мумкин.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳам доимий эътиборда. Тизимдаги санаторийларда 2060 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари соғломлаштирилди. Жумладан, 73 нафар аъзога бепул йўлланмалар тақдим этилди. Бундан ташқари, ходимларнинг 1749 нафар фарзандлари болалар оромгоҳларида соғломлаштирилди.

Аҳоли соғлиғини сақлашда барча тиббиёт ходимлари каби тиббиёт ҳамшираларининг ўрни ва хизматлари беқийсодир. Ҳар йили тизимли равишда ўтказиладиган «Ҳамшира» анъанавий кўрик-танлови ва «Йилнинг энг яхши ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходими», «Йилнинг энг яхши докси» танловларида 900 нафардан ортиқ ўрта тиббиёт ходимлари иштирок этиб, муносиб рағбатлантирилди.

Ҳисоботда келтирилган барча рақамлар ва фактлар тармоқ қасаба уюшмаси томонидан аъзолар манфаатлари йўлида кенг қармоғли ишлар олиб борилганини, келгусида бу ишларни янада кенгайтириш, аъзолик қамровини ошириш қасаба уюшмалари олдидаги асосий вазифалардан бўлиб қолаётганини таъкидланди. Конференцияда, шунингдек, тафтиш комиссияси ахбороти ҳам тингланди ва беш йиллик фаолият даври қўниқарли деб топилди.

Делегатлар муқобиллик асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил мuddатга тармоқ қасаба уюшмаси вилоят кенгаши раисини сайладилар. Сайлов натижаларига кўра Р. Шенязов энг кўп овоз тўплади.

Кун тартибидagi барча масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА
«ISHONCH»

БЕШ ЙИЛДА БЕШ БАРАВАР ЮКСАЛИШГА ЭРИШГАН ТАРМОҚ

Металлургия ва машинасозлик иқтисодиётда драйверлик мақоми сари интилаётган тармоқлар сирасига киради. Бу тизимнинг модернизация қилиниши, янги корхоналарга асос солиниши кўплаб иш ўринлари яратилиши учун замин яратади. Соҳа ходимларининг меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатлари устуворлиги эса тармоқ қасаба уюшмалари томонидан таъминлаб келинади ва зарур ҳолларда ҳимоя қилинади.



Касаба уюшмалари Самарқанд, Жиззах вилояти бўлимаси кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясида ана шу масалалар ҳолисона муҳокама қилинди. Таъкидланишича, бундан беш йил муқаддам иккала вилоятда мавжуд корхоналардан 9 тасида меҳнат қилаётган 2271 киши қасаба уюшмалари тармоқ кенгашига аъзо бўлган эди. Соҳа ривожланиши эвазига тизим корхоналари кенгайди, янги қувватлар ишга туширилди. Ана шу жараёнда меҳнат соҳасида муътадил муҳитни, ҳар бир ходим манфаати ҳимоясини ишончли таъминлаган жамоат ташкилотига ишонч ҳам ортди.

Сўнги тўрт йилдаги саъй-ҳаракатлар боис тармоқ қасаба уюшмалари сафига қабул қилинган ташкилотлар 48 тага, аъзолар эса 11623 нафарга кўпайди. Жорий йилнинг ўтган беш ойда иш берувчилар билан амалга оширилган мулоқотлар янада самаралироқ бўлди ҳамда қисқа фурсатда 12 та ташкилот ва корхона тармоқ қасаба уюшмалари сафига кў-

шилди. Шундай қилиб, бошланғич ташкилотларнинг умумий сони 60 тага, аъзолар сони 14373 нафарга етди ва беш йилда беш баробар юксалишга эришилди.

– Тизим корхоналарида муносиб меҳнат шароитлари яратилиб, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори муттасил ошириб борилмоқда, – деди ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар хусусида сўз юритган Metallurgiya va mashinasozlik sanoati tar-

моқлари ходимлари қасаба уюшмаси Самарқанд, Жиззах вилояти кенгаши раиси Олимхон Мирзаев. – Жамоа шартномалари орқали 23 та ёш оилга уй-жой қуриши ҳамда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ мuddат фойдаланиладиган товарларни харид қилиши учун 511,1 миллион сўм фойсиз ссуда ажратилди. Ходимларнинг олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 16 нафар иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим талаба саналган фарзандларига 143 миллион сўмлик ўқув шартнома пуллари қисман қўллаб

берилди. Орта қолган даврда бошланғич ташкилотлар фаолиятини йўлга қўйиш борасида кўп изландик. Ходимлар маҳоратини оширишга бағишлаб, талай семинарлар, давра суҳбатлари, масофавий малака ошириш тадбирлари ўтказдик. Натижада «Самарқанд автомобиль заводи» МЧЖ ҚҚ, «Uz truck and bus motors» МЧЖ, «Жиззах аккумулятор заводи» АЖ сингари корхоналар бошланғич қасаба уюшма ташкилотлари бир неча бор вилоят ва республика босқичида ўтказиладиган турли танловлар ғолиби бўлишди.

Тизимдаги 48 та ташкилотда меҳнат қилаётган 11 623 нафар ходим жамоа шартномалари ҳамда қонунчиликда белгиланган имтиёз ва кафолатлардан-да ортиқроқ афзалликларга эга бўлмоқда, 300 нафардан ортиқ аёл ишчи-ҳодимларга эса турли даражада кўмак кўрсатилмоқда.

Ҳисобот юзасидан бўлган музокараларда сўзга чиққанлар кенгашнинг беш йиллик фаолиятини қўниқарли деб баҳолашди. Муқобиллик асосидаги яширин овоз бериш йўли билан ўтган сайловда Олимхон Мирзаев кенгаш раислигига қайта сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Суҳроб Рашиқов, Metallurgiya va mashinasozlik sanoati tar-moqlari xodimlari qasaba uyushmasi Respublika kengashi raisi ўринбосари Нодир Деҳқонов иштирок этди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»



ТОРТИШУВ ПРИНЦИПИ – АДОЛАТ ТАМОЙИЛИ



Суд амалиётида тортишув принципи деган тушунча бор. Ҳўш, бу нимани англатади?
Бу судда иштирок этаётган ҳар икки тарафга тенг ва адолатли шарт-шароитлар яратиш демакдир. Яъни, даъвогар ҳам, жавобгар ҳам ўз позициясини асослаш, далиллар тақдим этиш ва эътироз билдириш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Айнан шу принцип ишда адолатли қарор чиқаришга ёрдам беради. Чунки у фақат тарафлар берган далилларни инобатга олади. Қуйида тортишув принципига батафсил тўхталасан.

У судлов фаолиятининг марказий тамойилларидан бири бўлиб, фуқаролик ишларида ҳам, жиноят-процессуал амалиётда ҳам энг муҳим омил саналади. Бу тамойил орқали тарафлар ўртасидаги мунозара, далиллар тақдимоти ва баҳс-мунозаралар асосида ҳақиқат аниқланади. Шунинг учун демократик ҳуқуқий давлатларнинг суд тизимида ушбу принцип алоҳида ўрин тутаети.

Тортишув принципи, аввало, адолат тамойилининг узвий қисмидир. Судда ҳар икки тараф ўз позициясини ҳимоя қилишга интилади. Бу жараёнда улар далиллар келтиради, ҳуқуқий асослар билан фикр билдиради, эътирозини баён этади. Мана шундай очиқ ва мurosасиз мунозаралар натижасида суд тўғри ва ҳолис қарор қабул қилиш имконига эга бўлади.

Ушбу норма бизнинг суд тизимимизда ҳам тегишли қонун ва кодекслар билан қатъий мустаҳкамлаб қўйилган. Масалан, Фуқаролик процессуал кодексининг 20-моддасида шундай дейилган: «Фуқаролик суд ишларини юришти тортишувлик тамойилига асосланади. Ҳар бир тараф ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун далиллар келтиради, уларни рад этади, судда ўз фикрини баён этади. Суд тарафлар томонидан тақдим этилган далиллар асосида иш кўради».

Унга биноан, ҳар бир тараф далил келтиради, эътироз билдиради ва ўз фикрини эркин ифода этади. Суд эса ишни фақат тақдим этил-

■ ХУҚУҚ

ган далиллар асосида кўриб чиқади. Бу принцип бошқа тамойиллар билан ҳам узвий боғлиқ: масалан, тарафлар тенглиги ва суднинг холислиги.

Тарафлар тенглиги. Суд жараёнида ҳар икки томон ўз манфаатларини ҳимоя қилишда тенг имкониятларга эга бўлиши керак. Тарафлар бир-бирига қарши далилларни тақдим этиши, ҳуқуқий аргументлар келтириши ва ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилишида тенглик таъминланади. Бунинг учун уларнинг ҳуқуқий имкониятлари ва шароитлари тенг бўлиши лозим.

Суднинг холислиги. Суд томонлар ўртасидаги низоларни ҳал этишда, тарафлардан биронтасига устунлик бермасдан, иккаласига ҳам бир хил муомалада бўлишга мажбур. Судья ўз вазифасини бажаришда бирор томоннинг манфаатини кўзламасдан, фақат қонунийлик ва адолатга асосланиб қарор чиқариши керак. Судловчи ишни фақат ҳуқуқий мезъорларга таяниб кўриб чиқиши ва томонларнинг мақсадларига таъсир қўрсатмаслиги лозим.

Мазкур икки тамойил тортишув принципининг асоси ҳисобланиб, суд жараёнининг адолатли ва қонуний бўлишини таъминлайди. Суднинг бетарафлиги ва холис қарор чиқариши айнан ушбу принцип орқали таъминланади.

Мухтасар айтганда, тортишув принципи ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлайди ва ишончли суд тизимини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Демак, биз судьялар ҳар бир ишга мана шу тамойил асосида ёндашиб ва қонунийлигини таъминлаган ҳолда адолатли қарорлар чиқаришимиз шарт.

Дилноза АБДУҚОДИРОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро суди судьяси

«ЙЎЛ-ЛОЙИҲА БЮРОСИ» МЧЖ ижроия органи раҳбарлик лавозимига танлов ўтказилиши тўғрисида ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси «Давлат мулкни бошқариш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-101-сон қарори ҳамда Жамият ижроия органининг раҳбарлик лавозимларига танлов ўтказиш ва номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низом талабларига асосан «ЙЎЛ-ЛОЙИҲА БЮРОСИ» МЧЖ ижроия органи раҳбари лавозимига номзодларни саралаш бўйича танлов эълон қилади.

1. Лавозим тавсифи (йўриқномаси):
Автомобиль йўлларини лойиҳалаш соҳасини тушуниши, лойиҳани тушуниши, йўл турлари ва таркиби тўғрисидаги билимларга эга бўлиш салоҳияти;

Корхона ишлари, хизматларининг харидорлари билан дастлабки техник-иқтисодий ҳисоб (ДТИХ), техник-иқтисодий ҳисоблар (ТИХ), дастлабки техник-иқтисодий асос (ДИТА), техник-иқтисодий асос (ТИА), лойиҳа-смета ҳужжатлари, ишчи ҳужжатларни ишлаб чиқишга ва автомобиль йўлларини қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш, йўл инфратузилмаси ва сервис объектларини қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш соҳасида билим ва кўникма ҳамда амалий тажрибига эга бўлиш;

2. Номзодларга қўйиладиган малака талаблари:
Қуйидаги шахслар номзод бўла олмайди:
олий маълумоти бўлмаган шахслар;
раҳбарлик лавозимига камида 2 йил иш тажрибасига эга бўлмаган шахслар;

ушбу шахслар айби билан лицензия талаблари ва шартлари бузилганлиги сабабли, кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш учун лицензияни бекор қилиш пайтида бундай шахслар яққа ижроия органи вазифасини бажараётган бўлса ёки коллегал ижроия органи таркибига кирса ёки юридик шахс таъсисчилари ҳисобланса ва бундай лицензияни бекор қилгандан уч йилдан кам вақт ўтган бўлса;

иқтисодиёт соҳасида ёки бошқарув тартибига қарши жиноят содир этганлиги сабабли судланганлиги ҳолати тугалланмаган бўлса, шунингдек, коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестрига киритилган бўлса;

суд ҳукмига биноан муайян лавозимда ишлаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар;

бундай шахс банкрот этиб топилган пайтда юридик шахснинг яққа ижроия органи вазифасини бажарган ёки коллегал ижроия органи таркибига кирган бўлса ва уни банкрот деб топган пайтдан бери икки йил ўтмаган бўлса.

Номзодларга қўйиладиган умумий талаблари:
мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлиш;

раҳбарлик лавозимларида, шу жумладан, мазкур соҳада раҳбарлик Бошқарув раиси/директор, Бошқарув раиси/директор ўринбосари ёки раҳбарлик лавозимига тенглаштирилган лавозимлар (бош муҳандис, бош механик, бош иқтисодчи, бўлим/цех бошлиғи ва бошқа лавозимларда камида 2 йиллик иш стажига эга бўлиш;

мазкур соҳасида камида 10 йиллик тажрибига эга бўлган шахслар;

йирик корхоналарни бошқариш бўйича муваффақиятли тажрибаси мавжудлиги;

ишбилармонлик ва/ёки профессионал муҳитда бенуқсон обрў ва ижобий ютуқларга эга бўлганлиги;

ўзи фаолият юритган ёки бошқарган корхоналарда бизнес стратегияси барқарор ривожланиш инвестицион лойиҳалар сиёсатини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш тажрибаси;

ўзи фаолият юритган ёки бошқарган корхоналарда чуқур ўзгаришларни, замонавий корпоратив тизимини ва маданиятини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тажрибаси;

3. Тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлари:
Маълумотнома-объективка (белгиланган шаклдаги);

Меҳнат дафтарчаси нусхаси;

Олий маълумот тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасасининг ёки хорижда олий таълим олганлиги бакалавр дипломи ва/ёки магистр дипломи (мавжуд бўлса);

Илмий унвон (фан номзоди, фан бўйича фалсафа доктори, фан доктори) ва илмий даража (доцент, катта илмий ходим, профессор) тасдиқловчи ҳужжат (мавжуд бўлса);

Қўшимча олий маълумот олганлиги (иккинчи, учинчи) ҳақидаги диплом (мавжуд бўлса);

Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига кўра лавозимга тайинланган тўғрисидаги ҳужжат (иш тажрибаси кўрсатилган ҳолда);

Давлат ташкилотда маъмурий-бошқарув лавозимларида иш тажрибасини тасдиқловчи ҳужжат (мавжуд бўлса) ва тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ижобий тавсияномалар тақдим этилганда қўшимча баҳоланади;

Хорижий мамлакатларда раҳбарлик лавозимларида (директор, директор ўринбосари, менежер, супервайзер) иш тажрибаси ёки хорижий юрисдикцияда масалаларни ҳал қилишнинг амалий тажрибасига эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжат (мавжуд бўлса). Ижобий тавсияномалар бўлса, қўшимча баҳоланади;

Танлов эълон қилинган соҳадаги раҳбарлик тажрибаси (бошқарув раиси/директор, бошқарув раиси/директор ўринбосари ёки раҳбарлик лавозимига тенглаштирилган лавозимлар (бош муҳандис, бош механик, бош иқтисодчи, бўлим/цех бошлиғи ва бошқа)) тўғрисидаги ҳужжат (мавжуд бўлса);

Хўжалик жамиятларининг раҳбарлик лавозимларида ишлаш тажрибаси (бошқарув раиси/директор, бошқарув раиси/директор ўринбосари, бош ҳисобчи, ташкилотнинг юридик хизмати раҳбари, ваколатхона ёки филиал раҳбари) тўғрисидаги ҳужжат (мавжуд бўлса);

Хўжалик жамиятларининг қузатув кенгаши аъзоси сифатида иш тажрибаси тўғрисидаги ҳужжат (мавжуд бўлса);

Хорижий тилларни билиш даражаси тўғрисида гувоҳнома (мавжуд бўлса);

Амал қилиш мuddатига эга корпоратив бошқарувчи малака аттестати (мавжуд бўлса);

Қимматли қўғозлар бозори мутахассиси, аудитор, суғурталовчи, баҳоловчи, суд бошқарувчиси малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи амал қилиш мuddатига эга ҳужжатлар (мавжуд бўлса);

Халқаро сертификатлар (CFA, CPA, ACCA, ACA, CIMA, IМС, FRM) (мавжуд бўлса);

Компьютер билимдонлиги – MS Office, MS Excel – ишончли фойдаланиш (гувоҳнома мавжуд бўлса);

Автомобиль йўлларини лойиҳалашда фойдаланиладиган дастурлар AutoCAD, InRoads, 3D MAX ва бошқа дастурларни билиши: Бизнес мактабда бошқарув соҳасида ўқиб сертификатлари (мавжуд бўлса);

Танлов ҳужжатларини топиширининг охириг мuddати – эълон берилган санадан 15 кун.

Танлов тақлифлари ва ҳужжатлар муҳрланган конвертларда тақдим қилинади.

Ҳужжатлар қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Мустақиллик шоҳқўчаси 68-уй.

Маълумотлар учун телефон: +998 71 237 38 55
Корхона электрон манзили: rcb2009@mail.ru

Яна Эрон ҳақида ёзишга мажбурман. Исроил-Эрон уруши одамларнинг ҳиқилдоғига келган Украина-Россия қарама-қаршилигини орқа планга суриб қўйгани учунгина эмас. Йўқ. Авваламбор, бу уруш минтақамизга нисбатан яқин ҳудудда кечяпти. Иккинчидан, унинг туб замирида диний ва мафкуравий асослар ётибди. Табиийки, икки мамлакатни қудратли давлатлар ошқора ё пинҳона қўллаб-қувватлаб турибди. Шундай экан, унинг кўлами ҳам, салбий оқибатлари ҳам жуда оғир бўлади. Исроил Эроннинг ядровий, ҳарбий объектларига зарба берапти, Техрон ҳам жавоб зарбаларини тўхтаётгани йўқ. Минтақанинг «қон босими» кескин ошиб кетган. Таранглик Яқин Шарқ ҳудудидан тошиб ўтиб, бутун дунё хавфсизлигига таҳдид соляпти.

Украинада давом этаётган уруш, Ҳиндистон-Покистон ўртасидаги музлатилган можабро фонда Исроилнинг Эронга ҳужуми беқарорлигини янги босқичини бошлаб берди. Кўз ўнгимизда эҳтимоли кам деб баҳоланган сценарий амалга ошяпти. Дунё аниқ ва кўп кутблӣ уруш оstonасида турибди. Уруш – унинг оловини ёққанлар учун ҳеч қачон бемаънилик белгиси эмас. Дейлик, Яқин Шарқдаги урушда иштирок этаётган ҳар бир ўйинчининг ўз манфаатлари, ўз ҳақиқатлари бор. Исроил ҳатто яқкаланиб қолса ҳам ҳудуддаги давлатларга ўз қонун-қоидаларини ўтказса олишини, Эрон эса миллатни тақши таҳдидларга қарши бирлаштириб, сиёсий босимларга қарши тура олишини намоён этиши керак. Лекин улар ўз манфаатларини ҳимоя қилар экан, узқони кўра олиш қобилиятидан маҳрум бўлаётганларини тушунмаётгандек, назаримда. Ҳужуд ҳарбий тарихисини Юваль Ной Харари «Инсоният урушини келажак учун кечиктира олгандагина омон қолади», деган экан. Аммо бугун бунинг тескарисини кўраемиз – урушга чўкнаётган одамзодни!

Яна бир гап. Исроил бу урушни АҚШ энг яқин стратегик ҳамкори бўлмаганда, умуман бошламаган бўларди. Дональд Трампнинг Ок уйга қайтиши нафақат ички, балки ташқи сиёсатга ҳам шок терапияси янглиғ таъсир қиялпти. Унинг геосиёсати тобора қутилмаган ҳаракатлар, миллатчилик ва мафкуравий реваншизм бўтқасига айланаб боряпти. Президентлик сайловларида бутун дунёда тинчлик ўрнатишни ваъда қилган Трамп тинчлик ўрнатиш у ёқда турсин, янги уруш ўчоғига ўтин қалашга шай турибди. АҚШнинг Исроил-Эрон урушига қўшилиши ёки қўшилмаслиги масаласига мамлакатда турлича муносабат билдириляпти.

– Мен шундай йўл тутушим ҳам, тутмаслигим ҳам мумкин, – деди яқинда Трамп ушбу масала юзасидан фикр билдирар экан. Аммо бу – вазимн нуқтаи назардан кўра кўпроқ ўжарлиқни эки актёраётгандек.

Бир томонда Линдси Грэм ва неоконсерваторлар каби қаттиқ сиёсат



Исроил ва Эрон уруши – дунё барқарорлигига таҳдид

тарафдорлари мамлакатга зарба бериб бўлса ҳам, Эронни тўхтатишни талаб қилмоқда. Иккинчи томонда Маржори Тейлор Грин каби МАГАчи изоляционистлар буни ўз ҳаракатлари тамойилларига ҳиёнат ва навбатдаги чоҳ деб баҳоламоқда.

Америка Ироқ, Ливия ва Афғонистондаги муваффақиятсизликлар ёди ҳамда ўзининг аввалги қудратини тиклаш истаги ўртасида иккиланяпти. Лекин стратегиясиз қудрат бумеранг мисоли мамлакатнинг ўзига қашатқич зарба бўлиб қайтиши мумкин. «Кўзалган шер» операцияси ЦАХАЛнинг технологик қудратини намоён этган бўлса-да, стратегик муваффақиятларга олиб келмади. Ароқ, Техрон ва Фордо ероти объектига уюштирилган ҳужумлар форсларнинг ядро ғоясини йўқ қила олмади. Зеро, Эроннинг ядровий дастури – инфратузилма эмас, балки миллат ўзлигининг ажралмас қисмига айланган тамойилдир.

– Агар Фордо буткул йўқ қилинса ҳам, Эрон барчасини икки йил ичида тикляпти, – деб тан оляпти ғарб таҳлилчилари.

Хуллас, Яқин Шарқ ёняпти. Юзлаб қурбонлар, минглаб ярадорлар бор. Иккала томон ҳам ташвиқот машинасини тўлиқ ишга туширган. Аммо аён бўлиб бораётган ҳақиқат шунки, бу – хавфсизлик учун кураш эмас. Бу – рамзлар, мавқе ва тарихдаги ўринни сақлаб қолиш учун кечаётган уруш. Ва ҳар доимгидек, ундаги дастлабки қурбон ҳақиқат бўлади.

Юқорида айтиб ўтганимдек, урушаётган томонлар ортита қудратли акторлар турибди. Россия Исроил ҳаракатларини қатъий танқид қилиб чиқди. Кремль «фожиали оқибатлар»дан оғохлантирар экан, Эрондаги тузумни алмаштиришга мутлақо йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидлади. Хитой дипломатик этикетдан ташқарига чиқмаётган бўлса-да, ўзининг минтақадаги стратегик сиёсий, иқтисодий манфаатларидан осонгина воз кечиб қўйишига кўпчилик таҳлилчилар ишонмаяпти. Уларнинг фикрича, Пекин минтақадаги улкан иқтисодий ва

геосиёсий манёврага тайёрланмоқда.

Шимолий Корея, Жазоир ва Покистон Эрон тарафида. АҚШ, Буюк Британия ва Йордания Исроилни қўллаб-қувватламоқда. Туркия, БАА ва Саудия Арабистони – хавотир ва прагматизм ўртасида қолган. Сиёсий давралар баёнот берапти. Аммо ҳамманинг хаёлида нефть, танкерлар ва банкларга етказиладиган зарарлар...

Шуқури, мазкур урушни дипломатик йўл билан ҳал қилиш зарурлигини таъкидлаб келаётган минтақамизда тинчлик ҳукмрон. Аммо бугунги дунёда маълум бир ҳудудни қамраб олган уруш деган тушунча ўз аҳамиятини йўқотяпти. Чеғаралар – шартли, воқеалар бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Қоչинлар биз ўйлагандан анча яқин. Радикал унсурлар транзити – реал хавф. Афғонистон йўлаги эса – очиқ.

– Яқинлашиб келаётган хатар олдида Чеченистон фожиалари ўйинчоқ бўлиб қолади, – дейди ҳарбий таҳлилчи Константин Сивков.

Ана шундай бир шароитда Марказий Осиё урушга туташ буфер ҳудудга айланадими ёки унинг учқунларидан қайсидир маънода биз ҳам зарар кўраемизми? Ваҳоланки, минтақамиз стратегик жиҳатдан катта аҳамиятга эга ҳудуд. Қолаверса, яна бир жиддий хавфни унутмаслик керак: Исроил тинмай Эроннинг атом электр станциялари, ядровий объектларига зарба бермоқда. Агар улардан бирида ҳалокатли авария юз берса, шамол ядровий булутни қайси ҳудудга ҳайдашини ҳеч ким башорат қила олмайди. Бунинг устига, Туркия илгари сураётган пантуркизм, Хитойнинг логистика устидан назорати, Эроннинг «юмшоқ кучи», Россиянинг эҳтимолий заифлашуви яқин келажакда ҳудудимизга жиддий таҳдидлар яратиши мумкин. Агар минтақавий ўйинчиларнинг умумий стратегияси ишлаб чиқилмаса, ҳосил бўлган вакуумни бошқарув манфаати тўлдирishi эҳтимолдан ҳоли эмас.

Учинчи жаҳон уруши расман бошланмади. Аммо бугунги дунёда уруш эълон қилишга эҳтиёж ҳам қолмади. Урушлар ими-жимидида амалга оши-

рилмоқда: Россия ва Украинада фронт ҳудуди кенгайяпти, иқтисодиёт тўлиқ мобилизацияламоқда; Ҳиндистон ва Покистон ўртасида «совуқ ядровий дуэль» давом этапти; Исроил ва Эронда эса XXI асрнинг илк «профилактик уруши» бошланди.

Бундан ташқари, Африкадаги эскалациялар, Жанубий Хитой денгизи атрофидаги зиддиятлар, Урмуз бўғозининг ёпилиши хавфини ҳам инобатга олиш керак. Ҳаммаси ўзаро боғлиқ. Ҳаммаси битта муаммонинг – халқаро институтлар инқирози ва ўзаро ишонч йўқолганининг ифодасидир.

Бугунги жаҳон тартиботи шунчаки кимдир кучли бўлгани учун эмас, балки ҳеч ким кучсиз бўлишни истамаятгани учун емирилмоқда.

Ҳўш, халқаро қомдалар кадрсизланган, тинчлик механизмлари фалажланган, БМТ саҳна безагига, дипломатия эса протоколга айланиб бораётган бир пайтда нима қилиш керак?

Жавоб бир вақтнинг ўзида ҳам оддий, ҳам мураккаб. Дунё фалокатининг олдини олиши мумкин ва зарур! Фақат тизимли ёндашув, минтақавий ташаббусларни мувофиқлаштириш ва янги гуманитар кодексини она заминимизни глобал инқирозга ғарқ бўлишдан сақлаб қолиши мумкин.

Жаҳон сиёсати марказлари ўзгаришга ўз тутаетган таҳликали бир вазиятда Марказий Осиё келажак хавфсизлиги учун намуна бўла оладиган минтақага айланмоғи шарт! Агар Марказий Осиё бу даҳшатлар соясида минтақавий ва глобал барқарорлиқни таъминлашда етакчи фикр ва моделларни тақлиф эта олса, у дунёнинг нафақат география, балки маънавий марказига айланади. Дунёни ҳали ҳам қутқариш мумкин. Ажал тугмасини босмаслик билан бир қаторда янги геосиёсий тафаккур, янги инсоний мезъорлар ва ишончга асосланган умуминсоний стратегия ҳам зарур. Зеро, XXI асрни муҳорабалар эмас, маърифат ва ахлоқий масъулиятга сақлаб қолади.

Жаҳонгир НАҲАНОВ
«ISHONCH»



НИГОХ

**Хайрият, ўша кун келди: у «ўлди»...
Ҳамма хурсанд, ҳамма шод!**

УЗОҚ КУТИЛГАН «АЗА»

Бу кунни кўпчилик орақиб кутди. Аммо, афсуски, салкам 30 йил интиқлик билан кутилган бу «аза»га етолмаганлар ҳам кў-ў-л бўлди. Ким билсин, эҳтимол, «жиннинг ўлими»ни кўриш насаб қилганида, кимлардир азбаройи хурсандлигидан «онасидан қолган тошойна»ни қидириб қолармиди?
Ҳа, майли, тақдир азал, ўша машҳур кўшиқда айтилганидек, «Бу кунлар етганлар бор, етмаганлар бор». Етганлар эса...
Улар ҳамма жойда бир-бирини «жиннинг ўлими» билан қутлаб, «Қойил, баракалла, бўларкан-ку!..» дейишяпти, шоду хуррамлик билан байрам қилишяпти. Чунки улар қадардаги «аза»ни узоқ кутишди.

«КОМА»ДАН КЕЙИНГИ КЕСКИНЛИК

Жаҳон чемпионатиға чиқишимизга бир баҳа қолган пайтлар ҳам бўлган. Бир сафар бир очко етмаган бўлса, бир гал битта гол камлик қилган. Бир сафар эса, япониялик ҳакамнинг «каротми» билан Ўзбекистон – Бахрайни ўйини қайта ўтказилган, жин урсин...
Хуллас, ҳар сафар бизга нимадир (ё омад, ё ишонч, ё эътибор...) етишмаган.
Шундай даярлар ҳам бўлдики, ўзбек футболчи узоқ вақт давом этган «сурункали ва оғир хасталик»дан сўнг «кома»га тушиб қолди ва эҳтиш билан «реанимация»га ётқизилди. Ушунда касалликнинг хуруж қилишига (кимсан) фаластинликлар сабаби бўлишганди. Улар ўз майдонидида бизникиларни 2:0 ҳисобида «ютиб юборишганди». Кейинчалик бу мағлубият бизга жуда ҳам қимматга тушди. Гарчи Ўзбекистон ўз гуруҳида Фаластин, Сингапур ва Яманни ортда қолдириб, Саудия Арабистонидан кейин иккинчи ўринни эгаллаган бўлса-да (қўшимча кўрсаткичлар бўйича), ҳал қилувчи учинчи босқичга чиқолмаганди. Шундай қилиб, терма жамоамиз 2022 йили Қатарда ўтказилган жаҳон чемпионатиға саралаш бахсларини жуда эрта тугатганди.
Ушунда бу муваффақиятсизликдан футбол деса, «ўзини томдан ташлайдиган» мухлислар ич-эттини ёб, озиб-тузиб кетишган бўлса, «жин жаноблари» суюнганидан қолдай семирғанди.
Айнан ўша даврда Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионатиға қанчон чиқиши ҳақидаги лати-фалар роса «болалади».

«Бир илгир кутубхоначи қиздан сўрабди:
– Менга «Ўзбекистон жаҳон чемпионатида» номли китоб керак.
– Биласизми, «Фантастика бўлими» иккинчи қаватда жойлашган».

Не тонгики, одамлар ўзлари тўққан лати-фаларга ўзлари ишона бошлаганди: «Биз мундиалга чиқолмаймиз, бу – фантастика, жин ҳам ҳеч қачон ўлмайди».

Йўқ, жинни «ғумдон қилса» бўларкан. Ўлдирганда ҳам, «бир амаллаб» эмас, аник-тиник кучлилиқ қилиб ва бутун дунёга дoston бўлиб, «тин-читилиш» мумкин экан.

Ҳа, қўрилган кескин чоралар туфайли «кома»дан кейин... Эктор Купер кетди, **уйғониш** ҳам, **узғариш** ҳам ўзгача келди.

КИМ ҚАЙ ДАРАЖАДА ҚАҲРАМОН?

Мундиалга чиқиш ўзбек футболчининг бир неча авлоди вақилларига армон бўлиб қолди. Миржа-лоп Қосимов, Максим Шацких, Сервер Жепаров, Одил Аҳмедов... Бу рўйхатни яна давом эттириш

мумкин. Афсуски, уларнинг ҳеч бирига футбол билан хайрлашгунга қадар мундиал билан саломла-шиш насаб этмади.

Ва ниҳоят, саккизинчи уринишда жин «маҳв этилиб», орзулар ушанди. Футболчиларимиз мил-лат қаҳрамонларига айланиши ва улардан бири...
У терма жамоамиз учун камида 5 очко олиб берди.

У (Ўзбекистон фойдасига 1:0 ҳисобида яқунлан-ган) икки ўйинда иккита пенальтини қайтариб, мух-лислар меҳрини қозонган бўлса, рақиблар кўзига ба-лодай кўринди. Чунки пенальти – фақат жарима тўпи эмас, руҳий дуэль ҳам.

У ҳал қилувчи учрашувлардан бирида, яъни Бирлашган Араб Амириги терма жамоасига қарши кечган ўйинда ўз сейвлари билан дарвоза дахлсиз-лигини сақлаб қолди ва «жиннинг ўлими»га асосий сабабчилардан бири бўлди.

Унинг ҳар бир ўйиндаги сейвлари тўпни шун-чаки қайтариш эмас, орзулар қаршида калққан армонга қарата «Тўхта!» деган хитоб эди.
У пенальтиларни шунчаки қайтармади, у халқ-нинг умидини сақлаб қолди.

Узоқ йиллар кутилган ғалабага эшик очган қаҳрамонлардан бири фақат дарвозани эмас, мил-лат ғурурини ҳам ҳимоя қилган йилгит Ўткир Юсу-пов бўлади!

Биласизми, бир вақтлар Ўткир уйдагиларга ёрдами тегиши учун бозорга чиқишга мажбур бўл-ган. У қишда бозордаги сотувчилар қиядиган оддий қўлқопни (қалнроқ бўлиши учун) икитасини битта қилиб, машғулотларда қатнашган...
Аслида, Ўткир ва шунингдек, миллий терма жа-моанинг ҳар бир аъзоси босиб ўтган машаққатли йул, сабр ва синовлар ҳақида қўйинда иштирок этмади. Чунки собиқ мураббий Сречко Катанец уни таркибга киритмади. Қападэ эса, қўшди.

Шундай қилиб, «ўроқда йўқ, машоқда йўқ – ҳир-монда ҳозир бўлган» Тўхтаўжаев БАА бориб, майд-онда тушмасдан «жиннинг ўлими»ни кузатди, хо-лос.
Бобур Абдуҳолиқов – моҳир ҳужумчи. У Тош-кентда ўтказилган БААга қарши ўйинда пенальти ишлаб, 1:0 ҳисобида ютишимизга сабаби бўл-ганди. Шимолий Корея дарвозасига киритилган ягона голга ҳам ҳисса қўшганди, яъни тўпни узат-ганди.

Тақдир «ҳазили»ни қарангки, Бобур охириги ўйинларга қақрилмади. Оқибатда эса, рўйхатда йўқлиги учун давлат мукофоти ва совғадан «четда қолди». Ажабланарли жойи йўқ, бу ҳаётда баъзан муносиблар ҳам эътибордан четда қолади. Лекин...
Ислому Тўхтаўжаевга раҳмат, мардлик қилди. У ўзига топширилган машинани ҳажийи эгаси – Бобурга берди. Бундан Бобур нечоғлик хурсанд бўлган, билмадим, аммо бу ҳаётда машинадан муҳимроқ нарсалар бор...

«СИЗНИНГ ЭМАС, БИЗНИНГ ҲАМ ШАРАФИ!»

Биз Марказий Осиёда биринчи, МДХ дав-латлари орасида (Россия ва Украинадан кейин) учинчи бўлиб, мундиалга чиқдик. Бу – хайратлан-ишга, ҳавас қилишга аризуғлик натижа! Бу му-ваффақиятдан ҳамма хурсанд – ён қўшилар ҳам, туркий дунё давлатлари ҳам!
Узоқ ва яқиндаги қардошлар ўзбек футболчи-нинг оламшумул ютуғини ғурур билан эътироф этишмоқда. Масалан, Туркиянинг етакчи спорт

нашрларида эълон қилинган мақолаларда Ўз-бекистон терма жамоасининг жаҳон чемпио-натиға чиқиши «қардошларга тўхфа», «туғишган халқнинг тарихий бурилиш нуқтаси», дея таъ-рифланди. Туркия футбол федерацияси УФАга чин қалбдан чиққан тўйгулар билан самимий таб-рик йўллади.

Озарбайжонда ҳам бу хушхабар зўр кўтарин-клиқ билан қарши олинди. Жамоат телеканал-ларида тўлиқ таҳлиллар эфирга узатилиб, ўзбек футболчи «Ўзгарилар ва ички тозаланиш нати-жаси» сифатида баҳоланди. Қардошларимиз бизнинг ютуғимиздан: «Ўзбекистон терма жа-моаси биз учун ҳам ғалаба келтирди – юракла-римизни футбол билан қовуштирди», дея хур-санд бўлишди.

Қозғонилклиқ журналист Арман Турлубек «Sports.kz»да эълон қилган мақоласида кўнгли-дан тўлиб-тошди: «Бу жаҳон чемпио-нати фақат Ўзбекистон учун эмас. Бу – бутун туркий дунёнинг тўсиқлардан ўтиши. Оғир бўлса-да, илк қадам ташланди. Ўзбекистон шу қадамни ташлади, биз бундан фахрланамиз!»

Қирғизистондаги спорт телеканаллари ютуқли йўлимиз ҳақида махсус кўрсатувлар тай-ёрлашди. Твиттерда қирғиз журналисти шундай деб ёзди: «Ўзбеклар орзуни амалга оширишди. Биз уларни кўлаб-кузаватлаймиз! Бу муваф-фақият фақат бизнинг эмас, бизини ҳам ша-рафимиз!»

Хуллас, бундай самимий эътирофлар, бир мамлакат эмас, бир минтақанинг руҳи тикланган кун ҳақида кўлаб мисоллар келтириш мумкин.

Ҳа, ўзбек футболчи дўстлик ва қардошлиқ ғу-рубин янада кучайтирди. Демак, футбол фақат спорт эмас, бирлик рамзи, ўзаро ҳурмат ифо-даси ҳамдир!
Уша «жин ўлган кун»да кўрдик, турпи хил «тў-сиқлар»га қарамай, кам сийғили майдонда дўст-лар ҳам, қардошлар ҳам бор эди! Майдонда бир-дамлик ҳукмрон эди!

ҲАЛИ КўПЛАРНИНГ «КЕТМОНИ УЧАДИ»

2025 йил 5 июнь.
Бу – фантастикадан реалликка, лати-фадан воқеликка айланган кун. Бу – умидсизлик ботқоғида йиллар давомида «қарғиш» каби ёпи-шиб олган тушунчани, яъни «Ўзбекистон ҳеч қач-он мундиалга чиқолмайди», деган қарашни қирқиб ташлаган шонли сана.
Асрлар ўтса-да, ўчмаяжак бу сана нафақат ўзбек футболчи, балки Ўзбекистон тарихига бо-силган макромухр! Миллатнинг бундай дунёвий мух-лири насаб бўлса, ҳали кўп бўлажак ва бо-силажак!
Ва ниҳоят, «жин ўлди»... Хўш, энди нима ўз-гаради?..

Ишонинг, жуда кўп ўзгаришлар бўлади. Ма-салан, жаҳон чемпионатида жонажон Ўзбекис-тонимизга жуда кўп давлатлар ишқибозлик қи-лишадди. Шубҳа йўқки, Марказий Осиё ва туркий дунё халқлари биз билан, улар бизни кўлаб-қув-ватлашади. Бундан ташқари, деярли бутун дунё мамлакатларидан ўзбеклар ва ўзбекка дўстлар-нинг овози янгради: «Олга, Ўзбекистон!».

Мундиал арасида ФИФА барча жамоа-лар таркиби ва гуруҳларни эълон қилди. Ана ушунда дунёнинг турли бурчакларидан бизга қи-зиқиш янада ортади: Хув Африканинг қайсидир мамлакатидида оддий кўлабда яшаётган ҳабашдан тортиб, Шимолий ва Жанубий Америкадаги бой-лар ҳам, қовбойлар ҳам. Хитойдаги талабадан то Гватемаладаги радиощоинавандагача бизни ку-

затишади. Улар «Ўзбекистон қандай давлат?», «Футболчилари кимлар экан?» каби савола-рига жавоб топиш учун турли манбалардан маъ-лумотлар излашади.

Ишончимиз комилки, тўпланган маълумотлар натижасида кўпчиликда Ўзбекистонга бориш иста-гаи ҳам пайдо бўлади. Футбол орқали туризм, маданият, тил ва ҳатто ошхонамизгача ёри-лади. Энди футбол фақат футбол эмас – мамла-кат бренди ҳам!

Агар футболчиларимиз мундиалда шов-шувли натижага эришса борми, бу «сенсация»дан сўнг кўпчилигининг «кетмони учоди». Дунё тан олган кучли лигаларда турли ёшдаги ўзбек футболчи-лариға қизқиш ортади, эътибор кучаяди.

ЯРАШКИ ЯКУН

Қуда томондаги тўйда яйраб ўтиролмайсан, ноқулай, барибир. Ўз тўйинда эса, маза қила-сан, ҳамма нарса сенки: торт ҳам, тантана ҳам, муҳит ҳам. Шу маънода «жиннинг ўлими»ни биз меҳмонда зўр нишонлай олмагандик. 10 июнь кун, ўз уйимизда эса...

Ўзбекистон – Қатар ўйинини кўриш учун пойтахтдаги «Бунёдкор» стадиони мухлислар бил-лан тўлиб-тошди. Байрамога безатилган стади-онда байрамога қайфият қузатилди. Уйин бошла-нишдан олдин, танаффусда ва ўйиндан сўнг хур-сандчилик куй-қўшиқларга уланиб кетди.

Уйин ҳам зўр бўлди. Рақибларнинг «тентагини чиқарган» футболчиларимиз 3:0 ҳисобида ғалаба қо-зонишди. Киритилган голларни айтмайсики, бири биридан чиройли.

Энг муҳими, иккинчи тайм аввалида давлати-миз раҳбари (бир гуруҳ юқори мартабали меҳмон-лар билан) стадионга ташриф буюрди. Бу ҳақда эълон қилинганда, минг-минглаб томошабинлар Президентимиз ва меҳмонларни оқишашди.

Дўстлар, бу оддий ташриф эмасди. Бу халқ-нинг орзусиға давлат раҳбари ҳам шерик экани-ни, халқ билан ҳаммиша яқдил эканини англа-тувчи рамз эди. Бу ўйин шунчаки ўйин эмас, мил-лий ғурур ва миллат муштараклиги тантанаси эди.

Аслида, ана шундай ғалабалар, ана шундай юксак руҳият юртбошимиз томонидан олиб бо-риладиган илчил ва халқчил сиёсат самараси-дек, терма жамоа мутахассислари ва футбол-чиларига БУД автомобиллари совға қилинди. Бу нафақат рағбат, балки давлатнинг ўз фарзандла-рига булган юксак эътибори эди.

Уйин тугагач, ҳеч ким уйига ошиқмади. Давла-тимиз раҳбари миллат қаҳрамонларига фахрий унвон, орден ва медалларни топширди. Шунинг-дек, терма жамоа мутахассислари ва футбол-чиларига БУД автомобиллари совға қилинди. Бу нафақат рағбат, балки давлатнинг ўз фарзандла-рига булган юксак эътибори эди.

Ҳа, байрам қилишга аризуғлик хурсандчилик бўлди-да ўзим. Шодлик шүүқўй фақат стади-онда эмас, кўчаларда, жамоат жойларида ҳам яққол сезилди.

Бутун мамлакат байрам қилди. Чунки бу юртада ҳар бир ғалаба – умумхалқ муваффақи-яти!

БОР БЎЛ, БИРДАМЛИК!

Жин «кўлган», у билан боғлиқ латифа ҳам уну-тилади, албатта. Ҳай, майли, «марҳум»нинг хур-мати учун уни охириги марта эста олайлик.
«Жиндан сўрашобди:
– Фалон жамоа қачон жаҳон чемпиони бўлади?
– 50 йилдан кейин.
– Писмадон жамоа-чи?
– 100 йилдан кейин.
– Хўп, Ўзбекистон қачон жаҳон чемпио-натиға чиқади?
– Уҳ-хў, ўша кунларни кўролмасдан ҳатто мен ҳам ўлиб кетар эканман. Менинг қанча яшашимни билсан-а, камида минг йил...».

Бу ҳаётда нималар бўлмайди? Нималар бў-либ кетмади ҳам! Жин ҳақидаги латифа энди янги маъно касб этади. Энди жиннинг тирили-шига йўл қўймайлик, келажакда яна «кома»га ту-шиб қолмаслик керак.
Агар бугун жиндан «Мана, Ўзбекистон мун-диалга чиқди, энди қачон чемпион бўлади?» деб сўралса, у саволга жавоб бермай, яхшиси, инда-май, кўздан ғойиб бўлади. Чунки ҳар қандай жон-зотга ҳам, махлуққа ҳам жон ширин ахир.

Жинни «ўлдириб», фантастикани реалликка айлантирган футболчиларимиз ҳар қанча олқиша лойиқ, офарин!
Улардан мундиалда фантастик ўйинлар кут-иб қоламиз. Бунга ишонч бор.
Айтганча, ҳозир ҳам фантастик натижалар-дан бирига эришилган-ку! Яъни ўзаро бирдам-лик, қардошлар жипслашуви кучайди.
Бу эса, кўп нарсани англашди...

Алвидо, омадсизлик!
Хайр, армонлар!
Салом, мундиал!
Салом, эй, таниш-нотаниш дунё!

Алижон АБДУРАҲМОНОВ

«ISHONCH»

ФИКР

Ахборот асрида яшаймиш. Кўриниб турибдики, ундан фойдаланиш ҳеч қачон ҳозиргидек бўлмаган. Интернет, минглаб платформалар, миллионлаб контентлар ёшлар онгини шакллантиришда асосий воситага айланди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, аслида бу эркинликми ёки таҳдид?

ЁШЛАР ВА АХБОРОТ ОҚИМИ:

Танлаш эркинлиги ёки таҳдид остидаги онг

Ёш авлод жамиятнинг эртанги кунни. Шундай экан, улар бугун нималарға қи-зикапти? Қадрияти, тушунчаси қандай?

Афсуски, ёшлар томонидан танлана-ётган кўлаб контентлар уларнинг онгини бойитишга эмас, аксинча, фирқини қалғи-тишга, қадриятлардан узоқлаштиришга, жа-моатчиликдан беғоналаштиришга хизмат қилаётгандек.

Ахборот уруши ҳақида кўп гапирамиз. Аммо уруш фақат ташқи таҳдид эмас. Кўп ҳолларда хавф ичкаридан онг орқали ке-лади. Ижтимоий тармоқларда тарқатила-ётган ёлғон маълумотлар, ниқобланган го-лар, радикал фикрлар ўз йўлини топиб, ёшлар дунёқарашига сингиб бораётгани ачинарли ҳолат.

Албатта, айбни фақат ёшлар зимма-сига юклаб бўлмайди. Бунда ота-оналар, педагоглар, жамоатчилик, давлатнинг ҳам масъулияти бор. Қачонки, ёш онгини му-стаҳкам имунитет билан тарбиялай олсак, шунда танлаш эркинлиги ҳақиқий қадриятига айланади. Акс ҳолда, бу йўлдан озиш учун очик эшик бўлиб қолаверлади.

Демак, ахборотни танлаш маданиятини шакллантириш замон талаби. Ёлғон билан ростни, фойдали ва зарарли контентни бир-бирдан ажрата оладиган ёш онг жамия-тимиз келажакнинг қафолати бўлади. Бу-гун бу ишни бошламасак, эртага кеч бўлиши мумкин.

Охириги пайтларда дунё бўйлаб ахборот оқими шу даражада кучайгани, уни на тўх-ташиш, на чеклашнинг имложи бор. Айниқса, интернет ва мобил технологиялар ёшлар онгига бевосита таъсир қилмоқда. Зеро, ҳар бир ўспириннинг қўлида бир нечта ижтимоий тармоқ бор ва улар ҳаётининг бир қисмига айланиб улгурган.

Рақамли технологиялар вазириги маъ-лумотлариға кўра, 2024 йил ҳолатига 16-30 ёш оралиғидаги аҳолининг 88 фоизи ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланади. Шу ёш тоифасидаги интернет фойдаланув-чиларнинг 73 фоизи эса кунига камида 3 соат вақтини телефон ёки планшетада ахборот истеъмол қилишга сарфлайди.

Бу кўрсаткичлар ортида қандай жараёнлар кетмоқда? Оддий ҳолат: 17 ёшли ўқувчи «ТикТок» тармоғи орқали «моти-вацион» видеоларни томоша қилишни бошлайди. Унга бир қарашда фойдали кўринган бу контентлар орасига сохта биз-нес ёғалари, «осон бойиш йўллари», ҳатто қонунга зид маслаҳатлар ҳам аралашиб кетади. Ёшлар неча ой ичида у китоб ўқишни, дарсга эътибор қаратишни тўхтади. Ор-зулари реал эмас, виртуал майдонларда қурила бошлайди. Энг ачинарлиси, бу ҳо-лат ҳозир яқна ҳолда эмас, балки минглаб ёшлар онгиди содир бўлмоқда.

Бугун ёшлар олдида икки йўл бор: тан-лаш эркинлиги орқали маърифат сари бо-риш ёки интернетдаги ниқобланган таҳдид-лар остида ўзигини йўқотиш. Танловда уларни ёлғиз қолдириб бўлмайди. Ота-она, ўқитувчи, жамият масъулиятни ҳис қилиши лозим. Зеро, ахборот замонидида билими, фаросати ва танқидий фикрлай оладиган ёшлар энг катта бойлигимиздир.

Сирасини айтганда, ахборот – бугунги кунда нафақат билим, балки қурол ҳамдир. У билан жамиятни юксалтириш ёки заифлашти-риш мумкин. Шундай экан, интернетнинг туб-сиз дунёсида «сузатган», ёш авлодини йўна-лишсиз, танқидий фикрсиз ва ҳимоясиз бўли-шиға йўл қўймаймиш керак.

Умида ИМАМОВА,
Чирчиқ давлат педагогика
университетининг гуманитар фанлар
факультети ўқитувчиси

Эълон
«Бинокор» МФЙ,
Зиё (Т.Азимий) кўчаси, 31-уй учун 2022 йил 4 октябрда
Атақиева Нодира Усаровна номига берилган KSh №
138782 TS «Турар жой олди-сотиди шартномаси» йўқо-гани сабабини бекор қилинади.

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



Фарҳод Давлетов ижросида «Феруз II» сувораси
Огаҳий «Устун» радиифли газали

Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина, Қатлим учун ноб келтирур нун элтибон «сод» устина.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOVI, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSEYAN (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)
Bosh muharrir **Husan ERMATOV**

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73
Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Alijon ABDURAHMONOV
Musahhih: Umida XUDOYBERGANOVA
Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV
Bosishga topshirilgan vaqt – 23:10
Topshirildi – 23:30
Bahosi kelishilgan narxda: Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Manziliimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch.1991@yandex.uz
Nashr ko'rsatkichi: 133
Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 182 408 ta
Shunday: 6 187 nusxa
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
18 306 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
7 915 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-611
1 2 3 4 5 6